

Ma'rifaat

معرفت MARIYAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 йил 28-ОКТАБР, ЧОРШАНБА

№ 89 (6585). Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

ДАСТУРИЙ РИСОЛА

Ислом КАРИМОВнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарини ўқиб

И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисолини таҳлил этар эканмиз, уни жамоатчилик эътиборини ўзига тортганлиги, эл оғзига тушганлиги бежиз эмаслиги ҳақида хулосага келамиз. Бир сўз билан айтганда, бу рисола Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатига тараққиёт дастури, республиканинг бозор иқтисодига ўтиш концепцияси деб баҳолаш мумкин. Муаллиф мамлакатимизнинг бир йиллик истиқлол йўлидаги тажрибасига яқин асаб, унинг муваффақият тараққиёт эътиборини чизиб берган.

Китоб чуқур илмий мулоҳазаларни амалиётда узвий болаш билан ажратиб туради. Унда истиқлолга эришувнинг муҳим хусусияти шарҳлаб берилганки, бу Ўзбекистоннинг тинч, парламентар йўл билан миллий давлатчиликка эришувидир. Ўзбекистоннинг истиқлолга чиқиши собиқ Совет империясини ўз ичидан чириб, эътиборини қўйишда барбод бўлиши натижасидир.

Истиқлолни муҳим жиҳати шуки, у ўзгалар ҳисобидан, ўзгалар манфаатига путур етказиш орқали бўлган йўқ, рисолада айтилганидек, «Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади».


Ўзбекистоннинг ўз йўли бор деган фикрни муаллиф изоҳлар экан, у бу йўл бировларнинг субъектив хоҳиш-иродасидан келиб чиқмаслиги, унинг объектив вазиет тақозо этишини далиллар билан исботлаб беради. Муаллиф Ўзбекистоннинг қуйдаги хусусиятларига эътиборни жалб этади: аҳолининг миллий-тарихий ва тафаккур тарзи, халқ анъаналари ва урф-одатлари бор; республикада аҳоли тез кўпаяди, унинг таркибиди ёшлар кўпчилигидан иборат; республика кўп миллатли давлат, лекин тўб аҳоли мутлақ кўпчилигини ташкил этади; Ўзбекистон қулай геостратегик мавқега эга, унинг табиий инқилим шароити ўзига хосдир; мамлакатнинг иқтисодий потенциаллари ҳам бошқалардан фарқланади. Айтилган хусусиятларга таянган ҳолда И. А. Каримов ўз йўлининг инмадан иборат деган саволга аниқ ва илҳам жавоб беради. Муаллиф бу йўл эволюцион тарзда, сохта инқилобий сарқашларсиз, ижтимоий ларазларсиз цивилизациялашган тараққиётга чиқиш эканлиги ҳақида хулоса қилади. Биз инчиза турмушга зўрдик ва куч ишлатиш орқали эмас, балки иншларнинг жамиятини янгилашга иншоитириш, улар хатти-ҳаракатини рағбатлантириш орқали боршишимиз асосли эришилади. Бизнингча, рисоланинг энг кучли томони бу иқтисодий муаммолар ва улар ечимининг илмий-амалий жиҳатдан баён этилишидир. Бунда муаллиф иқтисодиёт жамиятнинг ривожининг бирламчи асоси,

унинг пойдевори деган қондага амал қилади. Рисоланинг бошидаёқ истиқлол истиқлолнинг ўзи учун деган гап эмас, балки бу барқарор ривожланувчи аниқ мўлжалга эга, халққа фаровон турмуш берувчи бозор иқтисоди учун йўл очиш эканлиги кўрсатилади. Иқтисодни янгилаш муаммосининг ички ва ташқи шароитига атрофлича баҳо берилади.

Ташқи сиёсат мамлакат муваққиллигини таъминлай бориб, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишга, халқ турмушини янгилашга кўмак бериши турган гап. Шунинг билан олган ҳолда китоб муаллифи Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишларини батафсил очиқ бера олган. Бу сиёсатнинг иқтисодий жиҳатлари алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Чунки Ўзбекистоннинг иқтисоди кўп жиҳатдан ташқи алоқаларга боғлиқ. Бу алоқалар китобда икки гуруҳга бўлиб таҳлил этилган: 1. Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари билан алоқаси. 2. Ўзбекистоннинг умуман ташқи алоқалари. МДХдаги алоқалар китобда алоҳида ўрин олган. Чунки Ўзбекистон деярли 70 йил собиқ СССР таркибиди бўлиб, унинг иқтисодиёти СССР ҳўналик комплексига қаттиқ боғлиқ қолди, айтишга алоқалар Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишнинг муҳим омилга айланди. Ўзбекистонда яратилган жами маҳсулотнинг деярли 40 фоизи ташқи алоқаларни тақозо этади. Халқ истеъмол товарларининг 60 фоизи четдан жумладан, МДХ мамлакатларидан келтирилади. Ўзбекистон бошқа МДХ мамлакатлари билан ягона транспорт, алоқа, энергетика системаси билан боғланган. Ўзбекистон ташқи бозорга ҳам бошқа давлатлар орқали чиқа олади.

Ўзбекистон ягона пул, яъни рубль зонасига киради, шу пул воситасида бошқалар билан ҳисоб-китоб қилади. Бас, Ўзбекистон кўп жиҳатдан МДХ мамлакатларига ва, энг аввал, Россияга боғлиқ қолган экан, бу алоқаларни дарҳол ўзиб, бошқа ташқи алоқалар билан алмаштириб бўлмайди, бунга зарурат йўқ. МДХ доирасидаги алоқалар ўта муҳим, уларнинг заифлашуви ёки узилиб қолиши Ўзбекистон иқтисодини оғир аҳволга солишини унутиб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).



Маълумки, илмий-техник тараққиётга эришиш аниқ фанларини мукаммал ўргангани тақозо этади. Бунинг яхши нусхасини Тошкентдаги 283-мактабининг математика фани муаллими Шаҳодат Мирзаева ҳар бир машғулотида таълимчиларга эришиш ҳаракатида.

Тасвирда Ш. Мирзаева ўқувчиларга галдаги мавзунинг тушунтириляпти.

А. ЧАПЛИГИНА сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

●24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Вази́рлар Маҳкамасида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов бошқарди.

Йиғилишда қўпчилиги ички бозорни ҳимоя қилишдаги муҳим роли, «рубль» ҳамласи, товар-маҳсулотларнинг республикадан четга олиб чиқиш кетишга чек қўйиш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариши кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш масалалари муҳокима қилинди.

Шу масалалар юзасидан «Ўзбексавдо» уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» тизимларида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборотлар тингланди.

Йиғилишда таъкидландики, республикамизда жорий этилган қўпчилик саволи бермоқда. Келтирилган моллар ана шу қўпчилик билан асосан жумҳурияимиз аҳолиси томонидан муҳим қилинмоқда.

«Рубль»дан воз кечган давлатлардан Ўзбекистонга кўплаб қўғоқ пул келмоқда. Бу эса республикада иқтисодиётга катта зарар етказмоқда. У бозорларимизда нарх-навининг кўтарилиб кетишига олиб келаяпти. Шу сабабли республика ҳуқуқ тартибот органларидан «рубль» ҳамласига қарши чоралар кўриш талаб қилинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон Бош вазирининг муовинлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мулоқот маркази.

Шундай қилиб, Ўзбекистон давлолаш муассасалари учун мўлжалланган юқининг дастлабки туркуми келтирилди. Иккинчиси эса бир неча кундан сўнг олиб келиниши кутилмоқда. Бу юқиннинг умумий қиймати 500 минг доллардир.

Юқини топириш маросимида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фаваққодда ва мухтор аъзиси Генрий Лийн Кларк, республика Соғлиқни сақлаш вазири, Қишлоқ ва Ермўлк вазири, бошқа манфаатдор идораларнинг вакиллари қатнашдилар.

РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАРИГА ЁРДАМ

Тошкент халқаро аэропортига Американинг юн самолёти келиб қўнди. Унга қимматбаҳо дори-дармонлар ва бу дори-дармонлар сақланадиган махсус музлаткич ускунаси ортилган эди.

Бу юқини жаҳондаги ўнлаб мамлакатларга ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги тўплаб, мамлакатимизга юборган. Бу Қўшма Штатлар ҳукумати ҳамда халқининг муваққил Ўзбекистонга, жумладан ўз юртининг истиқбол бўлган болаларга совғасидир.

ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИНING МАЖЛИСИ

Атқоли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини ўтаганини комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда юбилей тантаналари режаларининг айрим тафсилотлари, жумладан, бошқа юртлардан келадиган меҳмонларни кўтириш ва жойлаштириш, Тошкент ва Жиззах шаҳарларида юбилей кунларида тайёрларининг бориши ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Шароф Рашидовнинг номи абадийлаштириш юзасидан ташкил қилинган мажлисда Шароф Рашидовнинг таваллудининг 75 йиллигини ўтаганини комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.



Яқинда бўлиб ўтган Оснё, Африка ва Латин Америка мамлакатлари XI Тошкент кинофестивали қатнашчилари ҳам «Маърифат» рўномасига қизиқиш билан қарашди. Фестиваль кунларида олинган ушбу суратда анжуман меҳмонларининг газета билан танишайтган пайти акс этган.

ЗИЁКОРНИНГ НУР МАНБАИ

Ўқитувчиларни кўпчилик эътибор билан зиёкорлар, дейди. Унинг нур манбаи қаерда, деб сўрасангиз, биз педагоглар: «Китобда, вақтли матбуотда», деб айта оламиз. Зотан, вақтли матбуот билан, аиниқса, «Маърифат» газетаси билан ошно бўлмаган ўқитувчи ўз фаолиятини янгилашни йўлига таяйрлай олмайди.

(ЎзА).

Аметова, А. Убайдуллаев, Г. Бектмирова, С. Ниятуллаева, Ш. Холбоевалар «Маърифат»нинг мактаб жамоаси фаолиятини ташкил этишда кўмаги катта бўлаётганини алоҳида таъкидлашди. Улар кейинги уч-тўрт йил ичида рўнома янги мазмун, янги сифат баяш этганлигини, унинг чоп этилган мақолалари хилма-хил, долзарб, аини пайтда

таъсири ва қизиқарли бўлаётганини уқдириб ўтидилар. Шу билан бир қаторда педагог ва тарбиячиларга дарс жараёнида ёрдам берадиган қизиқарли материални газета бундан буюн ҳам кўпроқ босиб чиқаради, деган умидини билдирилди.

Мақтабимизнинг барча ўқитувчилари қисқа муддат ичида «Маърифат» рўномасига

Advertisement for 'Ma'rifaat' magazine, dated 1993, featuring a large image of the magazine cover and promotional text about its content and subscription information.

(Боши 1-беджа).

И. А. Каримов айтилган реал воқеликдан келиб чиққан ҳолда «мустақил давлат ҳамдўстлигини ташкил қилувчи мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сийосатимизнинг устивор йўналишларидан биридир», деб уқтиради.

ни ва мустақил сийосатни ғоят оғир иқтисодий вазиёатга юритишга тўғри келганини очиқ-ойдин кўрсатиб беради. Вазиётга баҳо беришда ҳалоллик ва холислик борлиги, шаронини хаспўлашга ҳеч қандай интилиш йўлиги рисоладан кўриниб турибди.

Бозор иқтисоди масаласига тик кўз билан қараб, унинг муаммоларига ва индикаторларига реал баҳо бериш билан мазкур китоб бошқалардан ажралиб туради. Иқтисодий тўрпақлар тарихий таърифига асосланган ҳолда муаллиф бозор механизми иқтисодий самардорлигини таъминловчи восита эканини қайд этиб билан чекланмай, ҳозирги кундаги ва

дий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туриши зарур. Мана шу икки жиҳат билан Ўзбекистоннинг ўз йўли ажралиб туради, албатта. И. А. Каримов рисоладан эканомикани мақрура кўраётганлардан ҳоли эғиб, уни ўз қонулирига бинаван, ривожлантириш масаласи кўтарилди.

Иқтисодиёти унга хос қонуларни идрок этиш, уларга риоя қилиш асосида бошқариб туриш зарурати рисоладаги иқтисодий самардорларни уйғунлаштириш ички сийосатининг бош принципи эканлиги ҳақидаги фикр-мулохазаларда ўз ифодасини топаган.

бошқарув тузилмалари тўғридан-тўғри ҳужалик ишларидан четда бўлиши керак», дейилади. Демак, давлат эъдилликда иқтисодиётга билвосита аралашади, яъни ўз қўлидаги молия, кредит, солиқ, валюта ва нархларни назорат қилиш воситалари орқали иқтисодиётга таъсир этади.

Яна бир масала — умумҳужалик, умумдавлат муаммоларини ечишидир. Булар жумласига транспорт, алоқа, сув ҳужалиги, кредит-банк, молия системасини тубдан қайта қуриш кирдики, уни хусусий тадбирдорликка таъйин ҳал этиш мумкин эмас.

олган. Аграр сийосат ботидаги янгича қараш яна шундан иборатки, муаллиф ҳужалик шакллари абадий бўлмай, улар ривожланиб туришини асослайди, келажакда деҳқон аҳлининг аънасаларига монанд бўлиши жамоа — ширкатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг асосини фермер ҳужалиги, кичик қорхона ва кооперативлар ташкили этишини кўрсатиб беради.

Рисолада кўрилган яна бир долзарб муаммо — бу мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, уни хусусийлаштириш орқали кўп укладли иқтисодни яратиш масаласидир. Бу хусусда ҳам И. А. Каримов масалани ҳама омилларни назарда тутиб атрофида ёндаша олган. Жумладан, бу жараёни бошқаришчи ҳисобга олиб, социал адолат қондаларига риоя қилиб, халқ билан маслаҳатлашиб ўтказишни маълум қил деб топади.

ДАСТУРИЙ РИСОЛА

зифа тарихий ўтмишдаги ваҳший, ёвбой инсон ҳақ-ҳуқуқини пой-мол этган бозор иқтисодиға эмас, балки замонавий цивилизациялашган бозор иқтисодиға ўтиш ҳақида гап кетиши китобда алоҳида шарҳланади. Муаллиф ҳозирги бозор иқтисоди кўр-қурона, ўзибўларчиликка асосланмаслиги, аксинча, у давлат томонидан тартибланиб турилиши, аниқ социал мулккали бор иқтисод бўлиши алоҳида таъкидлайди.



Суратдаги қиз — Нодира Қодирова. У В. И. Ленин номидаги педагогика коллежинида 4-курсда ўқийди.

Одобнома

ЛИБОС ВА ҲАЁ

Ҳозир ҳам ислом мамлакатларидаги араб қизу аёллари, ҳатто, эркаклар ҳам бошидан оёғигагача ўраниб юришади. Бу, албатта, шарқона кийимни одоб билмас керак.

ҚАНИЙДИ МУСАВВИР БЎЛСАМ...

Қўраётган «тушларимда» камалак турфа табиий рангларда жийваландарди. Қизил, булар, айтайлик, телевизор сахнида ял-ял товланган ранглардан ҳам тинчроқ, жуда ҳам ёрқин ва нечукдир сир-синоатли. Камалак доирада тасмадай тортилан қизил, яшил, кўк, ноформон, пушти ранглар туйғуси ёлғир эндиғина ёғиб ўтандан кейинги бениҳоя мусаффо, енғил ҳаво билан хаста шуригимга ва нафас йўлларимга урилар, димоғимга жаннат боғларининг уфори қидлари келарди.

МУЖДА

Ўтирмасин тағин деб сукот сақладим. Аммо бу ҳол сурункасига давом этавергач, айтишга мажбур бўдим. Ҳозир усгимдан хоҳолаб кулса керак, деб чеҳрасига термуди турувдим, у сўзларимни диққат билан эшитгандан сўнг, ҳеч бир кутилмаганда, эрта баҳор ёмирининг қитқиллашидан янги очилган долақизгалдоқдай майин табассум қилди-ю, дели: — Жуда қизиб.

МУНОЖОТ

Тавба: бу қандай бошқотирма, мубҳам сир бўлдикини? Шунда бирданга ҳаёлимда яшин чакнагандай бўлди. Қотиб қолдим. Э-э... Дарвоқ... Истанбул! Ҳожи Аҳмад Кот! Мужда!! Атайин, айрим «маҳкамаларда» шубҳа тудирмасин учун ҳар қандай сийсий маъно-маъмуздан йироқ бўлган бир анойи нашрни жунатиб юборган. Дарҳақиқат, қогоз ўрама қарлардадир очиб қаралгани, журнал мендан ҳам олдин наинки арақалаб, балки сатр-ма-сатр «қидлаб» қурилгани шундоқ сезилиб турибди.

ҲУЖИ БАДАЛ

Рангли тажассумлар ҳам ортада қолди. Росмана, оққора тушларга ўтиб олганимга яна бўлди. Тўқсон бирининг саратон қойлари бўлса керак. Бир куну уйга қайтганимда, қизим Гулдамон бону менга Туркиядан каттакон ўрама (конверт) келганини айтиб қолди.

Суратдаги қиз — Нодира Қодирова. У В. И. Ленин номидаги педагогика коллежинида 4-курсда ўқийди.

Суратдаги қиз — Нодира Қодирова. У В. И. Ленин номидаги педагогика коллежинида 4-курсда ўқийди.

Суратдаги қиз — Нодира Қодирова. У В. И. Ленин номидаги педагогика коллежинида 4-курсда ўқийди.

Суратдаги қиз — Нодира Қодирова. У В. И. Ленин номидаги педагогика коллежинида 4-курсда ўқийди.

Суратдаги қиз — Нодира Қодирова. У В. И. Ленин номидаги педагогика коллежинида 4-курсда ўқийди.

(Боши 3-бетда).

— Тошкентдаги янги аэропорт, темирйўл вокзали, метро, Халқлар дўстлиги ҳамда Санъат саройлари, Ҳамза номли академик театр, Маданият институти, янги ТошМИ, Гостелерадио, Санъатшунослик институти (янги қошонаси), ҳозирги Мустақиллик майдони нишотлари, Қарши, Нукус, Термиз, Катта-Қўрғон, Қўқон, Урганч, Гулистон, Жиззахдаги театр бинолари, Давлат цирки, мактаблар, ўнлаб янги ўқув юртлири, нашриёт бинолари, клублар, маданият боғлари, саройлари; Телеинора, андиздан кейинги Тошкент, янги Главопчамт, қатор музейлар, шу жумладан Ойбек, Тамираҳоним ва бошқа иждоқдорларнинг уй-музейлари, «ВДНХ», Киночилар, Рассомлар уйи...

Халқаро тадбирлардан — Осие ва Африка мамлакатлари ёзувчилар конференцияси, Тошкентдаги қатор симпозиум, конгресслар, фестивал, декадалар, Глинка, Чайковский конкурслари, Осие, Африка, Лотин америкаси мамлакатлари кинофестивали; олимлар санъат, адабиёт, маданият номоядалари учун таъсис этилган янги фахрий унвонлар, мукофотлар, юбилейлар; ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Фурқат, Собир Раҳимов, Файзулла Хўжаев, Оқунбобоев, Акмал Икромов ҳайкаллари; биринчи бор нашр этилган ўзбек энциклопедияси; ўқувчиларнинг анъанавий кўрик — санъат байрами (18 ташкилот домиёни равишида ўтказиб келаётгани)... Қатор журнал, газетлар: «Ўзбекистон санъати», «Ўзбекистон киноси», «Тошкент оқшоми», «Бечерний Ташкент», «Театральный Узбекистан» ва ҳ.к. Драматурглар, композиторларнинг янги асарлари ҳам унинг эътиборидан четда қолмасди; у халқ ижодиёти, фольклор, ҳаваскорлик санъати ривожига ҳам дурустгина диққат-эътибор берди; қардош халқлар театрларининг гастролларини қанда қилмасди; бадий ўқув юртлири санъат ва маданият учун мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳам эътиборидан қолмаган. Узи ҳам асарлари

ТОНГ ЭТДИ ШОКОР...

билан маданиятимиз равақига жиддий ҳисса қўшди... «Кашмир қўшиги» асари Шароф Рашидовга, айниқса, катта шухрат келтирди — у бир неча театрда, радио, телевидендада саҳналаштирилди, 56 тилга таржима қилинди бу курашчан гуманизм ҳақидаги бадий — баркамол асарди, унда инсоний фазилятлар, юксак муҳаббат ёъозланади, ёвузлик қораланади, тинчликка даъват этилади... «Бўрондан кучли», «Ғолиблар», «Қудратли тўқин» каби асарлари ҳам бир неча бор нашр этилган...

Шароф Рашидовнинг айрим фазилятлари ҳақида сўзлаб ўтқичман: ваъда бердимиз — бажарди, масалани жиддий «контроль»да ушларди, белгиланган вақтда суриштирди, телефонда сўради; фойдали ташаббус, халқ, эл манфаати билан боғлиқ масала, кишиларни жиддий ташвишлантираётган муаммо бўлса, қабул қилишни кечиктирмасди (ҳозир эса Олий кенгаш у ёқда турсин, вазирилар, маҳаллий ҳокимият бошлиқлари, ҳатто айрим бош муҳаррирлар олдида кириш амримаҳол бўлиб қоляпти, ёрдамчилари ҳам кўпинча ҳўлиб телефонни уламайдилар, «йўқлар» деб, қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб юбораверишди...); қабулда бўлганлари сабр билан тинглаб, мумкин қадар қўллаб, руҳлантариб чиқарди, қуруқ ваъда бермасди, алдамасди (Умонхўжаев ва бошқа масъулиятсиз раҳбарлардан фарқи улароқ); кишилар билан суҳбатлашаркан, кибор-ҳавога йўл қўймасди, қўрсик қилмасди, бирон-бир зотики камчилиги учун сўкиб, ҳақоратлаганини билмаймиш, танбех бериши мумкин эди, аммо «жаҳл чиққанда ҳам ақли кетмасди» (айрим мансаб лавозимига минганлардек); одамларнинг орасида, айниқса, оқоқоллар билан дилқас эди, уларнинг турмуши, арз-ҳоллари, истак ва тақрифларига қўлоқ беришни хоҳларди; «апарат»дагиларга талабчан эди, одамларни овора қилмасликини, мансабни пеш этмаслики-

ни, «пастдагилар»га калондимоголик, терсмаданлик қилмасликини, ана ўша «пастдагилар» бўлмаса, «юкюрю» «кнатталар»нинг асло ке-раги йўқлигини бундай қусури борларга ўқти-риб турарди ва тегишли хулоса қилмаса, жид-дий чора қўришгача борарди... Тамираҳоним, Лутфихонимларга эътиборсизлик қилиб қўй-ган бир масъул ходимни «яхшигина» тартиб-га чақиргани эсимда... У ўзи ҳақидаги мате-риалларни матбуотда ҳадеб ёритаверган му-ҳаррирларни унча хуш кўрмасди, суратини ҳам газеталарда тез-тез бериб, «катта»нинг кўнглини овлашга интилгадларни ёқтирмасди (бу ҳақда бир йилида ҳам ўзи гапириб ўт-ган) ва сергакликка чақириб қўйишдан ҳам тортинмасди...

Шароф Рашидов санъатни дили-жонидан севарди, санъаткорларни қадрлаб, жуда эъзозларди, аммо «ўзлаги санъатни эмас, санъатдаги ўзини севган»ларни хуш кўрмас-ди, бундайларга тўртта ашула айтгани учун унону мукофотлар бериб юборишга, уларни «депутат» ҳам қилиб юборишга шошил-масликка маслаҳат берарди. Едимда, бир хо-нанданнинг овлашга интилгадларни ёқтирмасди унда, унинг халқ хўрматини, санъат қадрини менсмай бораётганини, кибор-ҳавога (санъат-да, маҳоратга эмас) юкюрю кетаётганига эътиборни жалб этгани ва Тўғчи Хофизла-ру Комилжон Отаниёзовларнинг санъатсевар-лигини зикрат олишга даъват этгани...

Шароф Рашидовнинг камтарлиги унинг оила аъзоларида ҳам акс-садо бериб тургани-ни яқиндагина содир бўлган бир фантдан ҳам кўриш қийин эмас — унинг умр йўлоши Хурсанои опа кўни-кеча телевизор орқали Шароф акани хотирлаб сўзларди. Очгини айтсам, авваллари ва, айниқса, Ш. Рашидов ҳаётлигида бу билимдон, сўзлом, кўпни кўри-би билган аёлни, «ойнаи жаҳон»га чиққани-ни биринчи бор кўришим... Унинг болаларини

ҳам деярли кўпчилик билмасди. Аммо биз Хрушчеву Горбачёвларнинг хотини «буюк арбоб» бўлиб кетгани, Умон Юсуповнинг ў-лиларидан биринчи «қаҳрамонлик»ларини, ҳатто Раъно Абдуллаеванинг ўғли қилган «шўхликлар»ни яхши билемиз-ку!

Шароф Рашидов наники Ўзбекистоннинг барча соҳадаги ҳаётида рўй берган жиддий ўзгаришларда фаол қатнашди, у ўзбек халқи-нинг маданий ютуқларини чет мамлакатларда ташвиқ этилишига, халқлар ўртасидаги дўст-ликни мустаҳкамлашга ҳам катта ҳисса қўш-ди, жумҳуриятимиз обрўсини эъзозлаб, қанд-дек сақлаб келди. Ҳа, у халқро миёнда қиз-гин фаолит қўрсатган намоянда, жамоат ар-боби эди.

Хўрматли муштарий! Аҳамият бераётган-дирсин, мен ўшбу мақолада Шароф Рашидов ҳаётининг қусури томонлари, раҳбарлик фаолиятидаги, жамоатчилик ишларидаги, ёзувчилик босасидаги камчиликларни хато-ликлари ҳақида, гарчанд бундайларни инкор этмасам-да, бирон-бир фикр-мулоҳазалар юричмасдим. Ҳа, наники мазкур мақолада, балки 1991 йилда «Халқ сўзи» рўномасида ёритилиб, анча қизиқиш уйғотган «Пойқа-дамга пойтеша, ёҳуд таниқли адиб, йирин жамоат арбоби Шароф Рашидов ҳаётини лавҳалар» (195 ва 197-сонлар) мақолаида ҳам мана шундай аснода йўл тутганим. «Пойқадамга пойтеша» Шароф Рашидов «ю-раланган»идан сўнг матбуотда бошдан охи-ригача марҳумга нисбатан фақат «позитив» руҳда ёритилган даслабки мақола эди. Мен муаллиф сифатида бу йўлни бежиз тутмаган эдим, зеро, Шароф ака қазониятга ураганидан кейин, 6-7 йил мобайнида унинг шахси, фао-лияти, камчиликларни хатоликларни, ҳатто «жиноят»лари ҳақида шунангичи даҳшатли сўзлар, инсон боласи ёқасини ушлайдиган уйдирмалар бисёр айтилдики, дорилбағога юз тутан мўътабар зот гўрида ҳам бу тажо-

вузлардан, адолатсизликлардан «тик турди», арвоҳи чирқиради... Бу борда инсонийликни унутиб қўйиб, роса «чапдастик» қилганлар ҳатто азалдан силсила тортиб келаётган ажо-иб одаминини, доно халқимиз кашф этган фойдали расмиимизни ҳам эсдан чиқариб қўй-гандилар. Ахир, ҳатто жинояти бўлган одам ҳам қаҳо қилса, унинг қабири устида — фа-лончи қандай одам эди, десалар, «яхши эди, омин оллоҳу ақбар» деб тарқаладилар-ку!.. Қаранг, халқ қандай домиш, файласуф!.. Бу гал ҳам мени марҳумга «позитив» муноса-батга ундаган ана ўша халқ домишманлиги бўлди. Келинг, мана шундай улуг айём ку-ларда ҳам аввалгидек «қизил империявий» мафкура асносида иш қўрайли, бу улуг зот ҳақида яхшилик, адолат шамчиюрини ёқин-ини кўпроқ ҳуво кўрайлик, марҳумни дуо ҳам қилайлик!

Шу кунларда биз унинг таваллуд топа-нининг 75 йиллигини нишонлаб арафасида туримиз. Мана энди жумҳуриятимиз Исти-қидлоқ юз тутган экан, Шароф Рашидов-нинг дил тубида сақлаб келган армонлари ушадди, халқи ҳақиқий озолиқка чиқди, унинг оруз-умидлари амалга ошиши учун адолатли омиллар яратилмоқда, хотираси абодийлаштирилмоқда... Ш. Рашидов қад-рлатининг қайта тикланишида республика Президенти И. А. Каримовнинг хизмати кат-тадир. У маънавий отага ҳатто ўлимидан сўнг таъна тошларини отганлардек йўл тут-мади. Асло! Бутунлай ўзга йўл кўрди — ношуд ва сотқинлар чаплаган лойини элиниг садоқати ўғлони шайтандан дадил ювиб таш-лашда ибратомуз иш қилди ва бу ўта хайр-ли, жасоратли тадбир йиллар оша асло унут-илмағай!.. Ҳа, Шароф ака ана ўша «Лайли ва Мажнун»даги заррин, пурмаёно мисра-ларни бежиз севмаган экан:

Тун сирини тонг ётар ошкор,
Зулмат йўқолур, кўёш пойдувор...
Ғанилар Ш. Рашидов ҳаётига, ижодиёти-га раво кўрган даҳшатли тун сирини тонг ошкор этди — бу Истиқлол тонгидир.

Бахриддин НАСРИДИНОВ,
ёзувчилар, Театр арбоблари, Журна-листлар уюшмаларининг аъзоси, танқидчи.

ЁШ ЎЛКАШУНОСЛАР

Бухоро шаҳрида 12-ўрта мактабда ўқувчиларга ҳар томонлама чуқур ва пухта билим бериб келинмоқда. Дарс машғулотлари асосан кўргазмали висталар ёрда-мида кабинет системасида ўтказилади. Бу ўрнида мак-табнинг тарих фани ўқи-тувчиси Маҳбуба Ҳайдаро-ванинг хизматлари ибрат бўлмоқда. У дарс машғу-лотларини муваффақиятли олиб бориш билан бир қат-торда ўқувчилар ўртасида синфдан ташқари ҳам қў-гина ишларни амалга оши-риб келмоқда. Яқинда унинг шахсий ташаббуси билан мактабда ўлкашунослик му-зейи очилди. Музейнинг очилишига бағишлаб «Ма-данний мерос» мавзуда ке-ча ўтказилди. Кечада 9-«А» синф ўқувчиларидан У. Ори-пов, Д. Шарипова, Н. Рў-зиева, С. Юнусовлар, 9-«Б» синф талабаларидан Ф. Мў-минов, Н. Тешевва, Ш. Ра-мазоновлар, 6-«А» синф то-либи иляларидан С. Ғуло-мов, Ҳ. Жўраев ва музейни турли асоб-ускуналар, буюмлар, халқ ҳунарманд-чилигининг турли соҳалари ва тармоқларига оид ашё-лар билан бойитмажларини назор қилдилар. Ҳазар кел-тирган миллий кийим-ке-чақлар, қўлоқчилик, зар-гарлик буюмларини мактаб музейига топширдилар.

А. ҲАЙДАРОВ.

Бош муҳаррир
Аҳмадjon ДОЛИМОВ.



Хўрматли падари бузуковимиз Ҳожи-кабар ВАЛИЕВ!

Кутломиз!
Сиз республикаимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга муносиб улуш қўшиб келясиз. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, олий тонфали катта ўқитувчи фахрий номлари самарали меҳнатингизга берилган муносиб баҳодир.

Сиз қарийб 40 йилдан бери ўқитиб кел-ган ёшлар орасида ишлаб чиқарин илғорла-ри, саломаатлик посбонлари, тарбиячи ва бошқа касб эгалари етишиб чиқдики, улар бугун мустақил Ўзбекистон раванга учун ку-рашчиларининг олдинги сафиди. Биз, 7 нафар фарзандларингиз ҳам изингиздан бордик.

Бутун муборак 58 ёшда. Шу муноса-бат билан Сизни қизини қўтайлий. Соғ-сало-маат бўлинг, узоқ йиллар яшанг. Ишлари-нгиз ривож тилайми.

ҲАМИША МИННАТДОР ФАРЗАНД-ЛАРИНГИЗ: КОМИЛЖОН, ШУХРАТ-ЖОН, СУРАЙЕ, РАЪНО, ОҚИЛЖОН, ОСИЁХОН, МУҚАДДАС, КЕЛИН. КҮЕВ ВА НАБИРАЛРИНГИЗ.



Назим дафтаридан

«БУЛУТЛАР ОРТИГА БЕКИНМАГИН, ЭЙ ҚУЁШ»
ХОРАЗМ ДЕБ КЕЛДИМ
«Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман» (Хоразм ҳокими Маркс Жуманиёзов ўғли).

Кўқарган кўкларда бу бевафо дунёга Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман. Дўстлар, ҳирс қўймадиган лекин молу дунёга, Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

Юртим менинг асил юртлар ичра ягона, Тупроғдан унар олтин, гавҳар, дўрдона, Шул сабабдан бўлиш унга барча парвона, Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

Бир пайтлар жонлаиб, Жайхунимдан жон оқди, Бир пайтлар жон эмас, қизил-қизил қон оқди, Воҳам ҳолини кўриб не ахшлар туюқди, Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

Қалбимда бир умр воҳаганим дарди бор, Гайрилар юқтирган қора-қора гарди бор, Юва билсам барин, булар эдим бахтиёр, Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

Кимлардир юртимга йўлатмасдан едилар, Кимлардир Хоразм ўзингизни дедилар, Эркин яшаш учун менга ҳуқуқ бердилар, Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

Севиниб кўзимдан оқар халқа-халқа ёш, Машъум тақдиримга бериб келганим бардош, Булутлар ортига бекинмагин, эй Қуёш, Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

Кўнглим қат-қатидан ниш уриб чиққан зорим, Эшиттай ушбу дам одил парвардигорим, Сафо Очил, холис хизмат қилиш қарорим, Хоразм деб келдим, Хоразм деб кетарман.

ЭЗГУЛИК БЎСТОНИДА
Эзгулик бўстонида содиқ бир ёрондурмен, Бош узра дўстлик туғи, дўстталаб инсондурмен, Хўнаят майдонда оловкор исендурмен, Шу исенга бошу қош қасоскор султондурмен, Жаңг ичра, эй ғанимлар, Рустамин дostonдурмен.

Йўқолиши кўнгиллардан меҳру эътиқод, найлай, Кетгайин ҳаётимиз шундай умрбо, найлай, Жону жаҳоним айлар дод устна дод, найлай, Элу юртим ватани, бағри кенг жаҳондурмен, Гайрилар қора еру, мен ўзим осмондурмен.

Осмонга туфлама, эй, юзинга қайтиб тушгай, Нодонлигинг оламга баралла айтиб тушгай, Шинадай синган оринг ўзинга қайтиб тушгай, Қўй бўғзада охириг лашта-лашта қондурмен, Қўздаги шафак каби ёйилган алвондурмен.

Маккани ҳар кун минг бор дилда зиярат этдим, Меҳригга ийлаб лойлар қоришни одат этдим.

х) Қайтиб (хоразмча) — қандай қилди.

Юрагини дўст учун гўзал иморат этдим, Феълу атворим ила элимга аёндурым, Исимим монанди Сафо тоғидан нишондурым.

ЕТДИМ
Уйлабман, тугилиб бахт-ниқолима етдим, Ватан ичра нулли истиқлолима етдим.

Умид ўсар эди мурғак қалба гуриқраб, Алданиб-алданиб хом ҳаёлима етдим.

Бир чеккада қолдим ҳануз тўрт ён термилиб, Адолат касб этиб ўшбу ҳолима етдим.

Адолатсиз дунё экан, дўстлар, бу дунё; Охири кутмаган не заволима етдим.

Мен чекмаган қайғу алам йўқ бу оламдан, Оздиргувачи ёвуз бир излолима етдим.

Сафо Очил, хароб ўтди эллик йил умрим, Қўзимда ёш ила истиқлолима етдим.

ФЕРУЗ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Феруза осмон ичракиим фирузи қўз-қўз шул букун, Феруз руҳи бахш этибдур бир қанотки дулдуд букун, Умидим банди ширасини сиңдирибон чил-чил букун, Базимига келди ул пари руҳорини айлаб гул букун, Чеқтим нетонг ўтлур наво, ул навиґ чим, бўлбул букун.

Келдинг-у ва лекин ҳолим англамай озор айладиң, Қанча ёлвориб тиз чўқмай, жабрингичи тақдор айладиң, Зулминг қиличин ўйатиб, ўзингичи хунҳор айладиң, Тун бода ичмай, зоҳидо, худбинлик ихзор айладиң, Бу беодоблик бўйинига тасбиҳинг этмиш гул букун.

Бода ичра ошуфта ҳол меҳрим чайқалар, эй кўнгул, Не изтирб саҳросида кезар дарбадар, эй кўнгул, Энди ҳаётим бўлди деб турсам мухтастар, эй кўнгул, Бўлди машоиминг мушк иси бирла мухаттар, эй кўнгул, Юз узара ёзмишдир магар ул дилрабо кокул букун.

Гар аёқ қасдида чиқса жоним жаҳонни, не ажаб, Маст бўлғаймен тирик мурда киёб ётгани, не ажаб, Пинак бўмас ишқ гулшанин мохитобни, не ажаб, Кўнгулмга таъсир этмаса бўлбул фийони, не ажаб, Ким гулузори илғиди мийно қилур қул-кул букун.

Бода таъсир нозу этиб менинг сархуш ўлтурсоним кўруб, Юз минг нозу истиғнолар ила ул ўридан туруб, Товус каби қадам ташлаб келди қулгичин қулдириб, Сармасти саҳо қилғали чиний аёқлар тўлдуруб, Аввал ўзи нўш айлабон, тутди манго ҳам мўл букун.

Муродим ҳосил бўлсаким, айни муздао андалиб, Шу даими кутар интизор сирати сафо андалиб, Ўзини қўлга олиб ҳар ён боқибон қиё андалиб, Ул оташин юзини кўруб гулшанида шайдо андалиб, Ишқ ўтига ўртаниб бўлиши вужуди қул букун.

Илтижо қилурман, токи бориники карамин оллоҳ, Наҳот бўлмағай гўзаллик султонин манго ҳайрихоҳ, Висол бўстонинг васфида Сафо Очил чекиб оҳ, воҳ, Гарчи эрурман толейи Феруз ила оламга шоҳ, Лек ул парилар сарвари оллидадурман қул букун.

БАНГИ-ЭЙ

Жуманазар, Каримбой, Рустам Машариповларга
Қавм борки, лақабидур банги-эй, Боши юксак; яна мағрур банги-эй, Қўзи ўткир, юзида нур банги-эй, Хоразм томонда машхур банги-эй, Халқим деда бўлиши манзур банги-эй.

Лақаб — банги, ўзи асло бангмас, Мансабараст, лагандур тенгмас, Шул боским уйғотди меҳру хавас, Халқим деда бўлиши манзур банги-эй, Хоразм томонда машхур банги-эй.

Эларварки, элар аро ардоқли, Сўзбатиқдир унинг доим қаймоқли, Қўлнингидур ҳотамтойга сабоқли, Халқим деда бўлиши манзур банги-эй, Хоразм томонда машхур банги-эй.

Сафо Очил, инсон қадрин билайлик, Банглардай юрт хизматин қилайлик, Банги шундай бўлса, банги бўлайлик, Халқим деда бўлиши манзур банги-эй, Хоразм томонда машхур банги-эй.

Телефонлар: 33-65-45; 33-20-36; 32-54-35.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: мавсул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчер — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси набаҳтчи — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаханаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г-358. ИНДЕКС: 64595. Боснига топшириш вақти 20.00. Боснига топширида 20.30. Тираж 44524.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12